

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАРНИНГ ҲИСОБЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ МЕЪЗОНЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Усманалиев Нажмиддин Қўшбоқ ўғли

**ИИВ Академияси тергов фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор**
najmiddinusmanaliyev@gmail.com

Аннотация: Мақолада жиноят процессуал муддатларнинг ҳисоблашда фойдаланувчи сўзлар ёки вақт ўлчов бирликлари таснифланган. Амалдаги қонун нормаларида муддатларни ҳисоблашда фойдаланувчи кун, сутка, соат, ой, йил ва бошқа тушунчаларга таъриф берилган. Шунингдек процессуал муддатларнинг ҳисоблашда қўлланилувчи меъзонлар(ўлчов бирилклари)ни таснифланишига oid фикр мулоҳазалар баён этилган.
Калит сўзлар: процессуал муддат, кун, ой, йил, сутка, соат, дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув, мурожаат, ариза

Usmanaliyev Najmiddin Qo'shboq o'g'li

**IIV Akademiyasi tergov faoliyati kafedrasи
o'qituvchisi, mayor**
najmiddinusmanaliyev@gmail.com

PROTSESSUAL MUDDATLARNING HISOBLASHDA QO'LLANILUVCHI ME'ZONLARNING AYRIM JIHLATLARI

Annotatsiya: Maqolada jinoyat protsessual muddatlarning hisoblashda foydalanuvchi so'zlar yoki vaqt o'lchov birliklari tasniflangan. Amaldagi qonun normalariida muddatlarni hisoblashda foydalanuvchi kun, sutka, soat, oy, yil va boshqa tushunchalarga ta'rif berilgan. Shuningdek protsessual muddatlarning hisoblashda qo'llaniluvchi me'zonlar(o'lchov birilkllari)ni tasniflanishiga oid fikr mulohazalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: protsessual muddat, kun, oy, yil, sutka, soat, dastlabki tergov, surishtiruv, tergovga qadar tekshiruv, murojaat, ariza

Ишни судга қадар юритиш жиноят процессининг мустақил босқичи сифатидаги белгиларидан бири уни амалга оширишни бошланиши ва якунланиши белгилаб берувчи муддатларнинг мавжудлигидир.

Жиноятни ўз вақтида ва сифатли тергов қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси терговга қадар текширув, дастлабки тергов, суриштирув, алоҳида тергов ҳаракатини ўтказиш, муайян жиноят-процессуал мажбурлов чоралари ва бошқаларни қўллаш муддатларини белгилайдиган нормаларни ўз ичига олади. Муддатни кечиктириш жабрланувчи (низони ўз вақтида ҳал қиласлик ва бузилган ҳукуқларини тикламаслик) учун ҳам, айбланувчи (гумон қилинувчи) учун ҳам (асосиз узок муддат жиноий жавобгарликка тортиш ва мажбурлов усулларини қўллаш), жамият ва давлат учун ҳам (етказилган заарни қоплаш зарурати, фуқароларнинг ишончини йўқотиш) салбий оқибатларга олиб келади[1, В. 204]. Шуни ёдда тутиш керакки, муддатларга риоя қилиш ЖПК талаби ҳисобланиб, процессуал муддатларни бузиш ўз навбатида ЖПК талабларини бузиш ҳисобланиб, олинган далиллар номақбул ҳисобланади.

ЖПКда белгиланган муддатларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқот муддатларнинг турлари, уларнинг ҳисобланиши ва бошланиш ва якунланиш нуқталари тўхталиб ўтишни тақозо қиласди. ЖПКда белгиланган ёки ваколатли мансабдор шахслар томонидан белгиланиши мумкин бўлган муддатлар қонун талабига кўра соатлар, суткалар ва ойлар билан белгиланиб, муддатларнинг ҳисобланиши, ўтиши ва якунланишига оид нормалар ЖПКнинг 314-моддасида кўрсатиб ўтилган. Юқорида айтиб ўтилганидек ЖПК 314-моддаси моддаларни ҳисоблашда вақт ўлчов бирликларининг соатлар, суткалар ва ойлар билан белгиланишини аниқ ифода қиласада ЖПКнинг 107, 120, 121, 121³, 148², 166², 182, 187², 187⁵, 187⁶, 187⁷, 187⁸, 187¹⁰, 226, 241, 254⁴, 258, 268, 290, 351, 374, 381⁷, 381¹¹, 405, 480, 497⁷, 497¹¹, 502, 517, 523 ва 531-моддаларида муддатларни ҳисоблашда ёки

белгилашда “кун” сўзидан фойдаланилган бўлса ЖПКнинг 312, 484, 501, 514, 523, 533 ва 544-моддаларида эса “йил” сўзидан, Олий суд Пленум қарорларида ҳам муддатларни ифодалашда кун сўзидан фойдаланилишини кўришимиз мумкин[6,7,8].

Ўзбек тилида ўзаро мулоқотда ёки бирор бир муддатларни ифодалашда кун сўзи кенг фойдаланиши таъсирида қонун чиқарувчи юқорида келтирилган кўп ўринларда кун сўзини муддат ўлчов бирлиги сифатида келтирган бўлсада кун сўзи умумий маънода сутка билан бир хил қийматга эга эканлиги, ЖПКнинг 314-моддаси биринчи қисмида эса муддатларни ҳисоблашда кун сўзи келтирилмаганлиги, ушбу модданинг кейинги қисмларида ҳам кун билан ифодаланган муддатларнинг бошланиш ёки якунланиш нуқтаси кўрсатилмаганлиги сабабли ҳам муддатларни ҳисоблашда кун сўзининг ишлатилишлiği бир мунча мунозаралидир.

Бундан ташқари айрим моддаларда йил сўзининг ишлатилишлiği бироқ ЖПКнинг 314-моддасида назарда тутилмаган ва бошланиши ва якунланишини ҳисоблаш тартиби белгиланмаганлиги нормалар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.

Муддатларнинг белгиланиши ва ҳисобланиши борасида тадқиқот олиб борган М.Х. Кадирова муддатларни белгилашда кун ва суткалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатларига тўхталиб, муддатларни ҳисоблашда вақтнинг умумий бирликлари: соат, кун, ҳафта, ой ва йиллардан фойдаланиш мумкинлиги, улар орасида тафовутлар мавжудлиги, вақтнинг умумий бирликларидан бўлган “кун” деганда, соат 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғи, яъни тун (соат 22-00 дан 6-00 гача бўлган вақт)нинг акси тушунилади. Башарти муддат кун билан ҳисобланса, муайян ҳаракат бошланган соат ёки ўша куннинг 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғидан бошқа барча соатлари ҳисобга олинмаслиги, шу боис, процессуал ҳуқуқда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда суткага хос хусусият (ҳаракат бошланган соатнинг ҳисобга

олиниши ва 24 соатни қамраб олиши)ни эътиборга олиб, терминларни кўллашда ягона ёндашувни яратиш ва сўзларни ўз ўрнида кўллаш учун жиноят процессида муносабатлар кун билан эмас, балки муайян сутка билан тартибга солинишини ифодалаш талаб этилиши ҳақида фикр юритади[5, В. 41].

Биз М.Х.Кадированинг кун билан ифодаланган муддатларни сутка сифатида кўрсатиш фикрига қўшилсак-да унинг “вақтнинг умумий бирликларидан бўлган “кун” деганда, соат 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғи, яъни тун (соат 22-00 дан 6-00 гача бўлган вақт)нинг акси тушунилади” қабилидаги фикри бироз нотўғри бўлиб, “кун” сўзи фақатгина эрталаб 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғини қамраб олмасдан балки “сутка” билан бир хил яъни 24 соатни ифода қилиб, сутка ҳар қандай соатдан 24 соат ўтгунча бўлган муддатни, масалан биз соат 17-00 да бир сутга вақтни белгиласак ушбу муддат эртаси куни соат 17-00 да якунланишини ифода қилса, кун ҳар доим бир хил ўзгармас ҳолатда тунги 00-00 да бошланади ва 24-00 да якунланади. Агар биз соат 17-00 да бирор бир муддатни кун охирига қадар деб белгиласак биз белгилаган муддат тунги 24.00 да яъни орадан етти соат ўтганидан сўнг якунланишини назарда тутган бўламиз.

Масаланинг бошқа томони ҳам мавжудки унга кўра биз ҳар доим ҳам кун билан белгиланган муддатларни сутка билан алмаштириб, қонунда “кун” сўзи ўрнига “сутка” сўзини ишлат олмас эканмиз. Кун сўзи ой ёки ҳафта кунларини ифодалашда фойдаланилиб, ушбу кунларни “сутка” сўзига алмаштиrsак мантиқий хатолик юз беради ва бу бизни қонундаги “кун” сўзларини батамом чиқариб ташлаш имкониятидан маҳрум қилади. Масалан биргина ЖПКнинг 351-моддасига кўра жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда дастлабки тергов муддати белгиланса, шу модданинг учинчи қисмида жиноят ишини ажратиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кун муддат ўтишининг бошланиш нуқтаси эканлиги қўрсатилган. Агар биз ушбу нормадаги кун сўзини сутка сўзига алмаштирадиган бўлсак

модданинг биринчи қисмини “Дастлабки тергов жиноят иши қўзегатилган суткадан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим” деб ифода этишимиз лозим бўлади. Сутка фақатгина 24 соат вақт оралиғи бўлиб, у қачон бошланганидан қатъий назар бошланганидан 24 соат ўтиб якунланади. Нормада кун сўзидан фойдаланиш эса ой, ҳафтанинг маълум бир кунини, дам олиш ёки байрам кунини белгилаб олишда ягона мезондир.

Биз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки ЖПКда келтириб ўтилган ва “кун” сўзи қўлланган барча муддатларни сутка сўзига ўзгартира олмаймиз. Шу сабабли мантиқий изчилиқдан келиб чиқиб айрим моддалардаги муддатларни “сутка” билан белгилаш ва кун ва йил билан белгиланган нормаларни асослантириш учун эса ЖПКнинг 314-моддаси биринчи қисмини “муддатлар соатлар, суткалар, кунлар, ойлар ва йиллар билан ҳисобланади” деган жумлалар билан тўлдиришимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Петрова Б.Г., Лавнов М.А. Указ. соч. – С. 204.
2. Алексеев И.М. Указ. соч. – С. 11.
3. Рябцева Е.В. Уголовный процесс: учебник. – М., 2009. – С. 196.
4. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To‘ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2021. – 732 b.
5. Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. Юрид. фан. фалсафа д-ри. дис. – Т., 2011. – Б 41
6. Олий суд Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори;
7. Олий суд Пленумининг 14.11.2007 йилдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сонли қарори;
8. Олий суд Пленумининг 19.12.2003 йилдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя хуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори;
9. Якупов Р. Х. Уголовный процесс : учебник для вузов / под ред. В. Н. Галузо. М., С. 146 ; Процессуальные документы, сроки и судебные издержки в уголовном судопроизводстве : лекция / В. Т. Томин [и др.]. Омск : ОВШМ, С. 19.